



O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2015-yil, 6-yanvar. Seshanba 2 (31.905) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ФУҚАРОЛАРИНИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВИ ҲАМДА БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР РЕЗЕРВИГА БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2015 йилнинг февраль-март ойларига муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервиге олинсин.

2. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчилар 2015 йилнинг март-апрель ойларига Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервиге бўшатилинсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг Котиби В.Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2014 йил 26 декабрь

БРИФИНГ



Парламент Қонунчилик палатасига сайлов якунланди

■ Кеча Марказий сайлов комиссияси мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов якунларига бағишлаб брифинг ўтказди. Унда Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улуғбек Абдусаломов атрофлича маълумот берди.

▶ Давоми 2-бетда.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Янги — 2015 йил муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва чет эл етакчи компанияларининг раҳбарлари, жамоат арбоблари Юртбошимиз ва Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва янгидан-янги муваффақиятлар тилаб, уларнинг эзгу ниятлари изҳор этилган самимий қутловларини йўллашда давом этмоқдалар.

Жумладан, Америка Қўшма Штатлари Президенти Барак Обаманинг табриқномасида шундай дейилади:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ислоҳ Каримов Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Америка халқи номидан Сизга ва Ўзбекистон халқига Янги йилда тинчлик ва равақ тилаб билдирган энг эзгу истакларини йўллайман.

2015 йилда мен барча учун янада барқарор ва хавф-хатарсиз дунёни барпо этиш борасида мамлакатларимиз ўртасидаги шериклик ва биргаликдаги фаолиятимиз мустаҳкамлашини сабрсизлик билан кутмоқдаман.

Самимият ила Барак ОБАМА,
Америка Қўшма Штатлари Президенти»

Қуйдагилар ҳам ўз табриқларини йўллаганлар:

Бирлашган Миллатлар Ташкилати
Бош котиби

Пан Ги Мун

Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири

Ли Кэцян

Мўғулистон Президенти

Цахиагийн Элбэгдорж

Ирландия Президенти

Майкл Хиггинс

Япония иқтисодиёт, савдо ва саноат вазири

Йоичи Миязава

Шанхай ҳамкорлик ташкилати

Дмитрий Мезенцев

Бош котиби

БМТ Бош котибининг вакили, Марказий Осиё

ушун прерентив дипломатия буйича

Минтақавий марказ раҳбари

Мирослав Енча

Европа Иттифоқининг Ўзбекистон

Республикасидаги делегацияси раҳбари

Юрий Штерк

Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт

университети ректори

Виктор Гришин

Табриқномалар келиши давом этмоқда.

ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКН:

Ватан улуғ, Ватан муқаддас

Фирдавс ҲАМИДУЛЛАЕВ,
Самарқанд давлат
медицина институти,
даволаш факультети 3-курс
талабаси.



Келажакда мен шифокор бўлмоқчиман. Бунинг учун кўпроқ ўқишга, билимни оширишга ҳаракат қиламан. Врачликни дунёдаги энг улуғ касб, деб биламан.

Эрталаб аввало, бобонинг дуоларини оламан. Синглимни боғчага қўйиб, ўқишга шошиламан. Кейин кутубхонага ёки шифохонага навбатчиликка бораман.

Бобонинг тилақлари эса бутун кун давомида менга ҳамроҳ бўлади:

— Юртимиз тинч бўлсин. Фарзандларимиз, набираларимиз омон бўлсин...

Ўқитувчилик, шифокорлик касблари муқаддаслигини биламан. Мен бу қаторга ватан ҳимоячиларини, ҳарбийларни ҳам қўшим келади. Чунки юрт тинчлигини, одамлар хотиржамлигини сақлаш айнан ватан ҳимоячиларининг зиммасидадир.

Ҳар доим ҳарбий кийимдаги тенгдошларимни кўрганымда уларга ҳавас қиламан. Агар шифокорлик касбини танламаганимда эди, албатта ҳарбий бўлардим.

Мамлакатимиздаги бугунги осойишта ҳаётимиз замирида тинчлигимиз по сибонларининг машаққатли меҳнати, заҳмати ётади. Бунинг ҳамма билиши, ҳис қилиши зарур, деб ўйлайман. Мен Ўзбекистонимизнинг тинчлиги сарҳаларимизнинг дахлсизлиги учун кечаю кундуз ҳушёр, сергак турган, ёвқур, жасур, мард ватан ҳимоячиларига доимо ҳавас қиламан. Ватанимизнинг ана шундай ҳимоячилари борлигидан фахрланаман.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайловнинг якуний натижаларига кўра, парламент қуйи палатасига 150 нафар депутат, шу жумладан, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 27 нафар депутат сайланди.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида партия гуруҳлари ташкил этилмоқда

■ 2014 йил 21 декабрь куни халқ депутатлари туман, шаҳар ҳамда вилоят Кенгашларига сайловлар уюшқоқлик билан ўтди. Бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиялилик асосида ўтган сайловда халқимиз маҳаллий Кенгашларга ўз вакиллари сайлади. Сайловда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзодлар муваффақиятли қатнашди. Шу кунларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида партия гуруҳлари ташкил этилмоқда.

▶ Давоми 2-бетда.

ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

3

МУНОСАБАТ

Кексаларнинг ҳаёт тажрибаси ёшлар куч-қудрати бирлашса, мамлакатимиз янада тараққий этади

■ Янги йилнинг илк дақиқаларида телефон кўнғирогига жавоб бердим. «Ассалому алайкум», деган ҳаяжонли овоздан танидимки, у Наманган вилоят кореяс миллий-маданий маркази раҳбари Ни Лариса эди.

У мамлакатимиз раҳбари Ислоҳ Каримовнинг халқимизга йўллаган янги йил табриқини эшитганини, Президентимиз Ўзбекистоннинг тараққиётида шу заминда яшаётган миллати, дини, эътиқодидан қатъи назар ҳар қайси инсоннинг муносиб ҳиссаси, ўрни борлигини таъкидлаганидан қувонганини айтди.

Мен ҳам Янги йил табриқини ҳаяжон билан тингладим. Уша лаҳзаларда кўнғилдан кўп ўйлар ўтди.

Кексаларга эътибор ва ҳурмат кўрсатиш азал-азалдан халқимизга хос фазилатлардан бири саналади. Бу миллий қадрият даражасига етгани, ёши улуғ инсонларни донишманд санаймиз, уларнинг нури қиёфаларини фариштага ўхшатамиз.

Давлатимиз раҳбари ҳаммамизни оқ ювиб, оқ тараган, муқаддас юртимизнинг ташвиш ва муаммоларини ўз

елкасида кўтариб келаётган, хонадонларимизнинг файзи ва кўрки бўлган кекса авлод вакиллари ҳаётдан рози қилиш барчанинг муҳим вазифаси эканлигини алоҳида таъкидлади. Бу самимий сўзлар замирида биз кексаларга катта ҳурмат борлигини ич-ичимдан ҳис қилдим.

Чиндан ҳам бугунги тинч ва фаровон кунларга осонликча эришилмади. Халқимизнинг босиб ўтган тарихий йўли ҳам бунинг тасдиқлайди. Ёшларимиз шуни билишларини истардимки, қанчадан-қанча ота-боболаримиз эл-юрт озодлиги, бугунги дорилмомон кунлар учун ўз жонини қурбон қилган. Иккинчи жаҳон урушида юртдошларимиз томонидан фронт ва фронт ортида кўрсатилган қаҳрамонликлар ҳам бунга далил бўла олади.

Кайсики мамлакатда кексалар ҳурматда, ёшлар иззатда бўлса, ўша юрт гуллаб-яшнаверди. Бу ҳақиқат бугунги Ўзбекистонимиз миносида ҳам ўз тасдиғини топмоқда.

Биргина Наманган вилоятидаги бунёдкорликларнинг ўзи халқимизнинг қудратини, буқилмас иродасини, меҳнат-севарлигини яққол намойиш этмоқда.

Мен шу юртда яшаётган кексаларнинг бири сифатида бизга кўрсатилётган ғамхўрликлар учун, аввало, Президентимизга миннатдорлик билдираман. Бугунги кунлар учун Яратган шукр қиламан.

Иншооллоҳ, юртимиз янада обод ва гузал бўлади. Биз бобо, бувилар, набира, эвараларимиз таълим-тарбиясига астойдил эътибор қаратишимиз зарур. Ёнг муҳими, уларга бу кунларнинг қадрига етиш кераклигини, мустақиллигини мустаҳкамлаб, тинчликни сақлаш йўлида бир тану бир жон бўлиш лозимлигини ўқтиришимиз зарур.

Кексаларнинг ҳаёт тажрибаси, ёшларимиз куч-қудрати бирлашса, ҳамма мақсадларимизга етамиз.

Саримсоқ НИЗОМОВ,
Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтыда ўқинг
2014 йил амалий ишлар йили бўлди
Янги йилда эса сайловчилар ишончини оқлашдек шарафли вазифа зиммамизда турибди

«Ўзбекистон овози» газетасининг навбатдаги сонларида
■ Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига кимлар депутат этиб сайланди?..
■ Сайловчи ишончи, депутат масъулияти ҳақида ким қандай фикрда?

БРИФИНГ

Парламент Қонунчилик палатасига сайлов якунланди

■ Аввало, мамлакатимизда сайлов амалдаги сайлов тўғрисидаги қонуни ҳужжатларига, очиқлик, ошқоралик ва муқобиллик ҳамда демократик тамойилларга мувофиқ ҳолда ўтказилгани таъкидланди.

5 январь куни Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтгани ҳақида маълумот берилди. Мазкур мажлисда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 11 ва 48-моддаларига мувофиқ, 2015 йил 4 январда 22 та сайлов округида бўлиб ўтган такрорий овоз бериш натижалари инобатга олинган ҳолда парламент Қонунчилик палатасига сайлов якунлари кўриб чиқилган.

Округ сайлов комиссияларининг такрорий овоз бериш натижалари ҳақидаги баённомалари асосида Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 22 нафар депутатини рўйхатга олган. Шундан қилиб, 135 та сайлов округининг барчасида парламент Қонунчилик палатасига сайлов якунлари кўриб чиқилган.

Брифингда сайлов жараёнида, уларнинг қонуний тартибда ва юқори савияда ташкил қилингани, сайловда фуқаролар фаол қатнашгани ҳақида батафсил ахборот берилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси маълум қилишича, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастурида кўзда тутилган ташкилий-ҳуқуқий масалалар изчил амалга оширилган. Қонун ҳужжатларида белгиланган қоида ва талаблар барча учун бир хил ва мажбурийлигига сайлов кампанияси даврида тўлиқ

амал қилинган. Хусусан, сайлов тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ, сиёсий партияларга ва депутатликка номзодларга сайловолди ташвиқоти амалга оширишда, сайловчилар билан учрашувлар ўтказишда, сайловолди дастурлари мазмун-моҳиятини сайловчиларга етказиш учун оммавий ахборот воситаларида чиқиш қилишга тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратилган.



Сайлов ШОУЎЛАЙ АНОВ олган суратлар.

ди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов бўйича тузилган сайлов округларидан 127 тасида битта депутатлик мандати учун 4 нафардан номзод, 8 тасида 3 нафардан номзод кураш олиб борди. Умуман, мамлакатимиз бўйича сайловчилар рўйхатига 20 миллион 789 минг 572 нафар сайловчиларнинг фамилияси киритилиб, сайловда 18 миллион 490

минг 245 нафар ёки рўйхатга киритилган сайловчиларнинг 88,94 фоизи қатнашди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ 21 декабрь куни Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Конференциясида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 15 нафар депутат сайланди.

Сиёсий партиялар, номзодлар ўртасидаги кескин рақобат натижасида Қонунчилик палатасига сайлов бўйича 22 сайлов округида номзодларнинг бирортаси ҳам сайланиш учун зарур овозларни тўплай

тилган сайловчиларнинг 76,9 фоизи иштирок этди. Сиёсий партияларнинг 5700 нафардан ортиқ кузатувчилари ва ваколатли вакиллари қатнашди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайловнинг якуний натижаларига кўра, парламент қўйи палатасига 150 нафар депутат, шу жумладан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партиясидан 52 нафар, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан 36 нафар, Ўзе-

фоизи илгари Қонунчилик палатаси депутати бўлиб фаолият юритган. Бу депутатлар сайловчилар ишончига сазовор бўлганидан далolat берди, шу билан бирга, парламент қўйи палатасининг профессионал фаолиятида уларнинг тажрибаси қўл келади. Қўйи палатасига жамиятимизнинг деярли барча соҳаларидан вакиллар сайланди.

Мирзо-Улуғбек Абдусаломов сайлов жараёни очиқлиги ва ошқоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари, маҳаллий ва хорижий кузатувчиларнинг фаолияти муҳим аҳамият касб этганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Сайлов жараёнида 550 дан ортиқ миллий, 120 дан зиёд хорижий оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, 180 дан ортиқ интернет-нашрлар ёритиб борди.

Мамлакатимиздаги сайловни кузатишда 5 та халқаро ташкилот – Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлари ва Инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислам ҳамкорлиги ташкилотидан ҳамда 52 давлатдан 340 дан ортиқ кузатувчи, шунингдек, сиёсий партияларнинг 70 мингдан зиёд кузатувчи ҳамда ваколатли вакиллари қатнашди.

Хулоса қилиб айтганда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтган сайлов Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан дадил бораётганини яна бир бор намоён этди.

Тўлқин ТўРАХОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

МУНОСАБАТ

■ Мамлакатимизда ҳар бир байрам кўтаринки руҳ билан нишонланади. Янги йил эса улар орасида ўзгача шукӯҳи, файзи билан ажралиб туради.

Янги йил хосиятли, файзли, баракали бўлади

Бу Президентимиз табригида ҳам ўз ифодасини топган

Байрамлар аслида нимаси билан қадрли? Энг аввало, байрам кунлари одамлар бир бирини табриқлайди, меҳр-эътибор кўрсатади. Кексалар, ногиронлар, беморлар ҳолидан хабар олинади, болаларга совға-саломлар улашилади. Умуман, бу каби байрамлар жамиятда ўзаро ҳурмат, ижтимоий бирдамлик каби умуминсоний қадриятлар мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Бу йилги байрам арафасида самарқандлик нурулйонли фаоллар вилоят ҳокими Зойир Мирзаев бошчилигида Меҳрибонлик, ногиронлик уйларида бўлиб болаларга Президентимизнинг янги йил совғаларини топширишди. Шунингдек, якка-ёлғиз кексалар, ижтимоий муҳофазага муҳтож кишилар ҳолидан хабар олишди.

Шу ўринда яна бир гап. Янги йил байрамининг янада кўтаринки руҳда ўтишида Президентимизнинг 2 январь кунини дам олиш кунини деб эълон қилиш тўғрисидаги фармони алоҳида ўрин тўпти. Одамлар узоқларда истиқомат қилаётган яқинлари, ёру-биродарларини қўриш, байрам билан қўшлаш имкониятига эга бўлди.

Давлатимиз раҳбари халқимизга йўлаган янги йил табригида мамлакатимизни янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш борасида давлат ва жамият олдида турган энг муҳим вазифаларга тўхталиб ўтди.

Табрикда таъкидланганидек, 2015 йилда давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилади. Янги йилда ҳам солиқни сақлаш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳалари, мухтастар айтганда, инсон омили эътибор марказида бўлиши алоҳида қайд этилди.

Бугун дунёнинг қатор мамлакатларида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли

ишсизлар сони ортиб, аҳоли ижтимоий-иқтисодий тангликдан азият чекмоқда. Жаҳонда кечаётган ана шундай мураккаб бир шароитда мамлакатимизда бу йил иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдорининг ўртача ўсиши 22 фоиздан кам бўлмаслиги, аҳолининг реал даромадлари 10 фоизга кўпайиши кутилаётгани бутун халқимизни қувонтиради.

Кўриниб турибдики, аҳоли фаровонлигини, турмуш даражасини ошириш борасидаги тамойилларга изчил амал қилинмоқда. Ўз навбатида, биз ҳам шунга муносиб равишда эл-юрт равнақи йўлида бор куч-ғайратимизни сафарбар қилишимиз керак.

Кексаларни эъзозлаш йилида кўзда тутилган вазифалар ижросини таъминлашда Ўзбекистон Халқ демократик партияси зиммасида ҳам муҳим вазифалар турибди. Шу боис халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳлари аҳолини ўйлантираётган масалалар бўйича ўз тақлифларини илгари суриши, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва партияимизнинг 2015 йилга мўлжалланган дастурий вазифалари ижросида фаол иштирок этиши зарур.

Бугун одамларда эртанги кунга бўлган ишонч мустаҳкамланган. Халқимиз янги йилда юртимизни янада обод қилишга, тараққий эттиришга бел болаган. Демак, бу йил халқимиз учун янада хосиятли, баракали бўлади.

Ҳасан НОРМУРОВА, «Нуроний» жамғармаси Самарқанд вилоят бўлими раиси, халқ депутатлари ЎзХДП гуруҳи аъзоси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиб.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида партия гуруҳлари ташкил этилмоқда

■ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ тузилади.

Мазкур Қонунга кўра, партия гуруҳи сиёсий партиядан кўрсатилган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

Сиёсий партиядан кўрсатилган ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ёки халқ депутатлари маҳаллий Кенгашга сайланган депутат фақат шу партиянинг партия гуруҳи аъзоси бўлиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида партия гуруҳлари ташкил этилмоқда.

сидаги ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида партия гуруҳлари ташкил этилмоқда.

Партия гуруҳлари партия гуруҳи раҳбарининг тегишли аризаси ва таъсис ҳужжатларига асосан тегишли равишда Жўқорғи Кенгес, халқ депутатлари Кенгашлари томонидан

рўйхатга олинади. Партия гуруҳлари сиёсий партиядан Жўқорғи Кенгесга ёки халқ депутатлари маҳаллий Кенгашига сайланган камида беш нафар депутат билан ташкил этилади.

Сайловчилар билдирган катта ишончини оқлашимиз керак. Бунинг учун биз депутатларга катта ҳуқуқ ва ваколатлар берилган.

Музаффар ТУРОПОВ, ЎзХДП Қашқадарь вилоят Кенгаши раиси ўринбосари:

– Вилоят сайлов комиссиясининг 2014 йил 25 декабрдаги қарорига мувофиқ халқ депутатлари Қашқадарь вилоят Кенгашига сайланган депутатлар рўйхатга олинди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги 59 депутатлик ўрнидан 22 тасига партияимиздан кўрсатилган номзодлар сайланди. Кечта партияимизнинг вилоят кенгашида бўлиб ўтган йилги сайлов ЎзХДП гуруҳи ташкил этилди.

Йилги сайлов 18-Чим сайлов округидан сайланган депутат, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарь вилоят кенгаши раиси Олим Равшанов халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари этиб сайланди.

Бошқа ҳудудларда ҳам халқ депутатлари туман, шаҳар ҳамда вилоят Кенгашларидаги партия гуруҳлари ташкил этилмоқда.

Лазиз ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

■ Янги йилни янги куч-ғайрат, янги ўрзулар билан қўтиб олдик. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён ҳар бир йил тарихий воқеалар ва ўзгаришлар билан ўтмоқда. Буни жойлардаги улкан бунёдкорликлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Қайси бир вилоятга борсанг, нафақат туман ва шаҳар марказлари, балки чекка кишлоқлар ҳам қўрқ очиб бораётганига гувоҳ бўласиз.

Имкониятларимиз кенгаймоқда

«Соғлом бола йили» Давлат дастурига асосан Сурхондарьда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Маълумотларга кўра, 60 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Президентимизнинг халқимизга йўлаган Янги йил табригида эришилган ютуқлар, уларнинг аҳамияти чуқур таҳлил этилди. Шу билан бирга, мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодий янада барқарорлаштириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди. Улар қайси соҳада ишлашимиздан қатъи назар, ҳар биримизнинг ҳаётимиз ва меҳнат фаолиятига маъна дахлдор, деб биламан.

Давлатимиз раҳбари, хусусан, кўптармоқли иқтисодиётимизнинг устувор соҳаси – хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни тез суръатлар билан ривожлантириш йўлидан барча гов ва тўсқинларни олиб ташлаш, уларнинг эркинлигини таъминлаш энг муҳим вазифалардан бири эканини таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда «ишлашман, бирон соҳани ривожлантирмаман, янгилик қилман, янги иш ўринлари яратман», деб ҳаракат қилаётган одамларнинг йўлини кенг очиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, эркинлигини таъминлаш, бу борада олиб борилаётган қўллаб-қувватлаш ислохотларини изчил давом эттириш долзарб ҳаётимиз масала бўлиб турибди.

1999 йилда «Сўғдиёна» фермер ҳужалигини ташкил қилганман. Ушунда тасарруфимизда 12 гектар ер бор эди. Даромад яхшиланиб, 2006 йилда ҳўжалигимиз майдони 46 гектарга кенгайди. Айни кунда 86 гектар ерда пахта, галла етиштириб деҳқончилик қилишимиз. Техникаларимиз сони 7 тага етди. Жамоа-

мида 40 нафарга яқин одам ишлаётми. Кўрсатилаётган эътибор сабаб ҳўжалигимиз кўп тармоқли ҳўжаликка айлантирилди. 25 сохта майдонга иссиқхона ташкил қилинган бўлса, сутни қайта ишлаш цехимизда 5 турдаги маҳсулот тайёрланмоқда. 2013 йилда соф фойдаимиз 30 миллион сўмдан ошган бўлса, 2014 йили қарийб 40 миллион сўм соф фойда олди.

Президентимиз байрам табригида айтилган кичик бизнес ва фермер ҳўжалиқлари учун бу йил янада ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиздан 15 фоизга туширилиши, шу тариқа 440 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ уларнинг иштиёрида қўлдирилишини эшитганимизда ишчимизни кенгайтириш имконияти ошганидан жуда мамнун бўлдим. Янги режалар туздим.

2015 йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний шахсларга солиқ енгилликлари берилгани ҳам имкониятларимизни кенгайтиради. Бу ишлар одамлар турмушидан рози бўлиб, меҳнатдан роҳат кўриб яшашига муҳим ўрин тутади.

Келажақда 5 гектар майдонда интенсификация ташкил қилиш кўнглига туғдим. Чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантиришни ҳам ўйлабман. Кишлоқларимизга санъатни олиб кириш ва ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришимиз керак. Бу турмушимиз фаровонлигини, ҳаётимиз сифатини оширишнинг муҳим асоси бўлади. Депутатлик фаолиятимизда ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратаман.

Алишер МАМАТМУРОВА, Жарқўрган туманидаги «Сўғдиёна» фермер ҳўжалиги раҳбари, халқ депутатлари Сурхондарь вилоят Кенгаши депутати.

◀ Давоми. Боқиланиши 1-бетда.

Ҳар бир аёл ҳаётидан мамнун яшаши лозим

Депутатликка энг фаол, сиёсий-ҳуқуқий билими юқори хотин-қизлар номзод этиб кўрсатилди. Сайлов кескин курашлар билан ўтди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига партияимиздан 2 нафар, халқ депутатлари вилоят Кенгашига 5 нафар аёл номзодимиз депутат этиб сайланди. Демак, вилоятимизда хотин-қизлар, айниқса, кишлоқ аёлларининг турмушини фаровонлаштиришда янги ташаббуслар билан чиқиб, уларни амалга оширишимизда партияимизнинг имкониятлари янада кенгайди.

Президентимиз Конституцияимизнинг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимда аёллар шаънини куч билан бор улуглади, уларни эъзозлаш кераклигини таъкидлади. Уйлайманки, юртимиздаги ҳар бир аёл бундан мамнун бўлди, кўнгли тоғдек кўтарилди. Ҳаётнинг аччиқ-чучуғини тотган онахонларимиз маҳалла-қўйда, ўзаро гурунғ ва суҳбатларда бу ҳақда тўққинчилиқ гапиришди. Бу сўзларни тинглаб, ўзбек аёлига эътибор ва меҳр кераклигига яна бир бор амин бўлдим.

Албатта, янги йилда зиммамизда турган вазифалар кўламини янада катта эканини яқини англаймиз. Биринчи навбатда табаррук отахон ва онахонлар, оиламиз фаршталарини ардоқлаш, шу қаторда хотин-қизлар турмуш шароитини янада яхшилаш, ижтимоий фаолиятини ошириш борасида янги ташаббуслар билан чиқишимиз, ҳаётини лойиҳаларни амалга оширишимиз зарур.

Шахло ХУДОЙҚОЛОВА, ЎзХДП Қашқадарь вилоят Кенгаши Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш сектори мудир.

◀ Давоми. Боқиланиши 1-бетда.

Инсон манфаатлари — олий қадрият

■ **Ўзбекистон Касаба уюмлари федерацияси кенгаши томонидан «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.**

— Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар жараёнида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, меҳнат ҳуқуқи бўйича қонунчиликни тақомиллаштириш ва кулай иш шaroитлари яратишга қаратилаётган доимий эътибор инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда, — дейди **Касаба уюмлари федерацияси кенгаши раиси Танзила Норбоева**. — Хусусан, «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида бу йўналишдаги ишлар қўламини янада ортди. Мазкур дастурда белгиланган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда касаба уюмлари ташкилотлари ҳам фаол иштирок этишга ҳаракат қилди. Жумладан, улар томонидан меҳнат қонунчилиги соҳасидаги миллий ва халқаро тажрибаларни кенг тарғиб этиш, мамлакатимизда ратификация қилинган халқаро конвенциялар талаблари бажарилишини ўрганиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бир қатор туманлар, икки юздан зиёд қорхона ва ташкилотларнинг бу йўналишдаги фаолияти ўрганилди. Меҳнат жамоаларида хавфсиз иш шaroитлари яратиш, меҳнат муносабатларини тартибга солиш юзасидан тўпланган илғор тажрибаларни кенг омиллаштириш мақсадида ўқув-семинарлар ташкил этилди.

Оилада ўзаро ҳурмат ва меҳр-муҳаббат, юсак ахлоқий ва маънавий қадриятлар муҳитини шакллантириш, ёш оилаларнинг оёққа туриб олиши учун моддий ёрдам кўрсатиш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, аёлларнинг ўз қобилият ва имкониятларини рўйбга чиқариш ҳамда уларнинг рўзгор ишларини енгилаштириш мақсадида қорхона, ташкилот ва муассасаларда имзоланган жамоа

шартномалари ва келишувлари орқали иш берувчилар ва касаба уюмлари ижтимоий шериклигида 738 та қорхонада 4384 нафар ёш оилага уй-жой куриш ҳамда узоқ мuddат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш учун жами 77 миллиард 176 миллион 200 минг сўм фойсиз ссуда ажратилди. Шунингдек, мустақиллик байрами арафасида қишлоқ жойларида яшовчи 1960 нафар аёлга 1 миллиард 500 минг сўмлик электр машинаси техника жиҳозлари берилди.

Федерация кенгаши томонидан Хоразм, Сурхондарё ва Навоий вилоятларида хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратишга 100 миллион сўм маблаг йўналтирилиб, тикувчилик цехлари ташкил этиш орқали Навоий вилоятида 16 та, Хоразм вилоятида 10 та, Сурхондарё вилоятида 20 та янги иш ўрни яратилди.

Соғлом болалар туғилиши ва уларни баркамол этиб voyага етказиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, касаба уюмлари тизимидаги санаторийларда ижтимоий ҳимоятлаб оилалардан 408 нафар аёл, 151 нафар тиббиёт ходими, 202 нафар таълим ходими бепул соғломлаштирилди. Ёш оилаларнинг 217 нафар аъзосига «Умид гулшани» санаторийсига имтиёзли йўлланма берилди. Ушбу мақсадлар учун касаба уюшма маблағлари ҳисобидан 678,5 миллион сўм йўналтирилди. Шунингдек, тизимдаги санаторийларда «Она ва бола» бўлимлари, болалар хоналари ҳамда ёзги бола-



Санжар ШОЛУЛАНОВ олинган сурат.

Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 5114 та қорхонада 2 ёшдан 3 ёшгача фарзандлари бўлган 11266 нафар аёлга иш берувчи ва касаба уюшмаси ижтимоий шериклигида 3 миллиард 68 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Ишчи-ҳодимларнинг 5050 нафар фарзандига чет тилларини ўрганишда кўмаклашиш мақсадида 1 миллиард 260 миллион сўм моддий ёрдам берилди.

лар ўйингоҳлари ташкил этилиб, замонавий услубда жиҳозланди. Ёз мавсуми давомида 1099 та (212 та стационар, 753 та кундуз-

ги оромгоҳ, 134 та «Меҳнат ва дам олиш» оромгоҳи) болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолияти йўлга қўйилди. Уларда 296 минг нафарга яқин бола дам олдирилиб, ушбу кўрсаткич умумий режага нисбатан 105,5 фойизни ташкил этди. Болаларни соғломлаштириш билан қамраб олишда ижтимоий ҳимоятлаб оилалар фарзандлари, жисмоний имконияти чекланган ва ота-она қаровисиз қолган болаларга алоҳида эътибор қаратилди. Оролбўйи минтақасида истиқомат қилаётган 4 минг 950 нафар бола бепул соғломлаштирилди.

Меҳрибонлик уйларининг 3 минг 658 нафар тарбияланувчиси, кам таъминланган оилаларнинг 70 минг 600 нафарга яқин фарзанди, шу билан бирга 3 минг нафарга яқин иқтидорли болалар касаба уюшмалари томонидан имтиёзли дам олдирилди. «Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш оромгоҳларини куриш, реконструкция қилиш ва капитал ташкирлаш бўйича 2014 йилга мўлжалланган Манзилли дастур» асосида иккита янги оромгоҳ курилишига киришилиб, 7 та оромгоҳда реконструкция, 11 та оромгоҳда капитал ташкирлаш ишлари амалга оширилди. Ушбу мақсадлар учун Касаба уюшмалари

федерацияси кенгаши томонидан 15 миллиард сўм, ҳомий ташкилотлар томонидан 9 миллиард 795 миллион сўм маблаг йўналтирилди.

Ёшлар, айниқса, қиз болаларга замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаши учун кўмак бериш, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш йўналишида қорхона ва ташкилотларда имзоланган жамоа шартномалари ҳамда келишувлари орқали 5114 та қорхонада 2 ёшдан 3 ёшгача фарзандлари бўлган 11266 нафар аёлга иш берувчи ва касаба уюшмаси ижтимоий шериклигида 3 миллиард 68 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, 26207 та қорхонадаги 108 минг нафар кам таъминланган оила вакилларига 24 миллиард 104 миллион сўм моддий ёрдам берилди. Олий ўқув юртурларида тахсил олаётган 2819 нафар иқтидорли, кам таъминланган ва чин етим талабанинг 7 миллиард 796 миллион сўмдан зиёд контракт пули қопланди. Касб-хунар коллежларининг 34623 нафар битирувчисига амалиёт даврида касаба уюшмалари томонидан қарийб 978 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Ижтимоий ҳимоятлаб боқувчисини йўқотган 29 минг оила, жисмоний имконияти чекланган инсонлар, уруш ва меҳнат фахрийларига касаба уюшма маблағлари ҳисобидан жами 910 миллион сўмдан зиёд моддий кўмак кўрсатилди.

Шунингдек, тадбирда давлатимиз томонидан кўрсатилаётган кенг қўламли ижтимоий ёрдам тўғрисида фаолиятини эртанги кунга ишончи мустаҳкамланаётгани таъкидланди. Янги — 2015 йилда инсон манфаатларини муҳофаза-лашга йўналтирилган ишларга фаолиятини таъминлаш, меҳнат шaroитларини тақомиллаштиришга хизмат қиладиган амалий ишларни кўпайтириш тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



Оқ қайин шарбати

КОКОСНИКИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

Бугунги кунда Европа ва АҚШда саломатлик учун фойдали хусусиятига кўра оқ қайин шарбати кокос шарбати билан барабар эканлиги айтилмоқда. Ҳатто айрим жиҳатлари билан кокосдан устун эканлиги олимлар томонидан қайд этилмоқда, дея хабар беради «Мир новостей» хафталиги.

Оқ қайин шарбатининг кимёвий таркибини илмий ўрганган британиялик пархезшуносларнинг таъкидлашича, шарбатда худди кокосники сингари протеинлар, аминокислоталар ва энзимлар (ферментлар — тирик ҳужайрада ишлаб чиқариладиган ва организмда модда алмашинувини тартибга солиб турадиган органик модда) мавжуд. Бироқ кокосга қараганда устунлиги шундаки, у организмдан токсик моддаларни ҳайдаб чиқаради, целлюлит, бронхит ва артритни даволайди. Бундан ташқари, тўйимли моддаларга, микроэлементларга ва каллийга бой. Унда сапонин мавжуд бўлиб, у қондаги холестерин даражасини назорат қилади ва меъёрлаштиради.



Юрак-қон томир хасталигини бошидан ўтказилганга эса кучли реабилитация воситаси сифатида тавсия этилади.


Халқ табобатида оқ қайин шарбати жигар, ошқозон ва тери касалликларига қарши қўлланилади.

Фақат муаммо шундаки, оқ қайин шарбатини йилда бир марта — баҳорда дарах танасини тилиш йўли билан олиш мумкин. Шу пайтда дарахт ўсиши ва новдалаши учун унинг танасида ушбу керакли модда ҳаракатга келади. Битта оқ қайин дарахтидан бир кеча-кундузда 3 литр шарбат олиш мумкин.

Тик турган ҳолда

КУРАШМОҚ КЕРАК

ШВЕЦИЯЛИК ОЛИМЛАР КЕКСАЛИК ОРГАНИЗМНИ ЎЗИГА ТЕЗ «БЎЙСУНДИРМАСЛИГИ» УЧУН ТИК ТУРГАН ҲОЛДА КУРАШИШНИ ТАВСИА ЭТМОҚДА.



Яъни, Стокгольмдаги Каролина институти профессори Май-Лис Хеллениус тадқиқотлари шундан далолат бермоқдаки, дейилади «Мир новостей» хафталигида чоп этилган хабарда, кишининг тик турган ҳолати ДНКни яхши ҳимоя қиларкан. Кўп ўтириш ёки ётиш теоломер — ДНК учлари қайрилиб қолишини юзага келтиради. Бу эса ДНК иш фаолиятига акс таъсир қилади ва саломатлик ёмонлашишига олиб келади. Табиийки, организмнинг қарши жараёнини тезлатади.

Киши тик оёқда қанча кўп турса, теломерлар шунчалки узунлашади. Бу эса хромосомалар турли жисмоний ва бошқа таъсирлардан ҳимояланишига асос бўлади. Уз навбатда генетик ҳок мустаҳкамлашиб, саломатлиқни яхшилайди.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

■ **Мамлакатимизда ишлаб чиқариш соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маҳсулот сифатини ошириш ва экспортга йўналтириш муҳим вазифалардан биридир. Бу борада Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Сурхондарё вилоят филиали томонидан ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.**

«Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган»

ёрлигидаги маҳсулотлар дунё бозорларида тобора кўпаймоқда

Мана, икки йилдирки мазкур жамғарма кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда фермер хўжаликларига экспорт шартномалари тузиш, хорижга чиқиш, маҳсулот экспорт қилиш, халқаро кургазмаларда иштирок этишга амалий кўмак бериб келаяпти.

— Жамғарманинг ташкил этилгани айна мuddо бўлди, — дейди **Сариосиё туманидаги «Абдурахмон Абдуғаффор давр» фермер хўжалиги раҳбари Абдурахмон Аҳмедов**. — Богдорчиликка ихтисослашган хўжалиқни ривожлантириш, уни кўп тармоқли фермер хўжалигига айлантириш учун мутасаддилар билан фикрлашди. Тегушли ҳужжатлар топширилган, 100 миллион сўм молиявий кўмак берилган бўлди. Келажакда қишлоққа саноятни олиб кириш, тайёр ва рақобатбардор маҳсулотимизни хорижга экспорт қилишни мўлжаллаб туришимиз. Айни кунларда хўжалигимизда 8 нафар киши меҳнат қилаётган бўлса, келажакда яна 12 нафар кишлоқ ёшлари бандлиги таъминланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ишбилармонлар томонидан ўтган қисқа вақт ичида Корея, Хитой, Ҳиндистон, Россия, Қозоғистон каби дунёнинг ўндан ортқ мамлакатлари бизнес вакиллари билан ҳар томонлама манфаатли ва фойдали шартномалар тузилди. Натижада «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлигидаги маҳсулотлар дунё бозорига ўз ўрнини топмоқда.

— 2014 йилда 50 га яқин субъектларга ҳуқуқий, ташкилий ва амалий



ёрдам кўрсатилган бўлса, 20,5 миллион долларлик манфаатли шартномалар тузишга эришилди, — дейди **Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Сурхондарё вилоят филиали раҳбари Аслидин Кароматов**. — Натижада умумий қиймати 20,5 миллион долларлик маҳсулотлар Англия, Россия, Қозоғистон ва бошқа хорижий мамлакатларга экспорт қилинди. Бу каби хайрли ишларни мунтазам давом эттирмоқдамиз. Бир сўз билан айтганда, ишлаб чиқариш субъектларига ишончли ҳамкор ва яқин кўмакчи бўлаётганимиздан хурсандимиз.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

«BUXORO GLOBAL REALTOR» МЧЖ

очиқ танловга таклиф этади

■ **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сон қарори ва Бухоро вилоят Бухоро шаҳар ҳокимининг 2014 йил 12 февралдаги 141-сон ва 2014 йил 24 февралдаги 248-сон қарорларига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

1. Кўп қаватли турар-жой биноси куриш учун Бухоро вилояти, Бухоро шаҳар, А.Сомий кўчаси ёқасида жойлашган 1 та, 1120,0 кв.метр ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 948 976 сўм.
2. Бухоро шаҳар, Когон шосеси ёқасида маҳалла фуқаролар йиғини биноси куриш учун 100,0 кв.метрдан иборат 1 та, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси куриш учун 500,0 кв.метрдан иборат 1 та ҳамда спорт майдончаси куриш учун 825,0 кв.метрдан иборат 1 та, жами 1425,0 кв.метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати — 1 059 588 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Бухоро шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов голиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 12 ой мuddатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2015 йил 6 февраль кунини соат 18:00 да тўхтатилади. Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманомани берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қийматининг 10 фойизи миқдоридида закатли закат келишувига асосан

танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро шаҳар ҳокимлиги биносида 2015 йил 9 февраль кунини соат 11:00 да очилади ва шу кунини соат 15:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов голиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов голиби деб топилади.

Юқоридидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2015 йил 9 февралдаги танловда соқтилган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2015 йил 16 февраль кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш бир кун олдин тўхтатилади. Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро шаҳар ҳокимлиги биносида 2015 йил 16 февраль кунини соат 11:00 да очилади ва шу кунини соат 15:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов голиби аниқланади. Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридидаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

— танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатлари олиш, тўловлар ва закат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реқвизитлари: ДТ «Халқ банки» Бухоро филиали, ҳ/р: 20208000600251607001, МФО 00116, СТИР 302668377.

Танлов ташкилотчиси — «BUXORO GLOBAL REALTOR» МЧЖ Бухоро вилоят филиали. Танлов ташкилотчисининг манзили: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй.
Тел/факс: (+99893) 960-69-00
электрон почта: www.bgr.gl.uz
Лицензия № RL 0171.
Хизматлар лицензияланган.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Тиббий ёрдам кўлами янада кенгаяди

■ **Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан пойтахтимиздаги тиббиёт олий ўқув юртлири олимлари ва етакчи илмий-амалий тиббиёт марказлари мутахассислари иштирокида жойлардаги тиббиёт масканларида «Маҳорат дарслари» тиббий-ижтимоий акцияси ўтказилмоқда.**

Чирчиқ шаҳридаги Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида ташкил этилган шундай тадбирда Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази олимлари, етакчи мутахассислар, маҳаллий шифокорлар иштирок этмоқда.

Юртимизда тиббиёт муассасаларини модернизациялаш, янги тиббий технологиялар билан жиҳозлаш, тиббий-профилактика ёрдами кенгайтириш, она ва бола саломатлигини муҳофазалашга оид лойиҳалар йилдан-йилга такомиллашмоқда. Бу йўналишдаги чора-тадбирлар натижасида бугунги кунда нафақат пойтахтимиздаги, балки вилоятлардаги тиббиёт муассасаларида ҳам жаҳон тиббиётининг юқори технологияли услубларга асосланган ноёб ва мураккаб операциялари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириш ва аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам самардорлигини ошириш мақсадида жойларда мунтазам равишда чуқурлаштирилган тиббий кўриқлар, тиббиётнинг турли йўналишлари бўйича илмий-амалий анжуманлар, ўқув-услубий семинарлар ўтказилмоқда. «Маҳорат дарслари» тиббий-ижтимоий акцияси шундай тадбирлардан биридир.

Ушбу лойиҳадан кўзланган

мақсад ҳудудлардаги тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган шифокорларнинг малакасини ошириш, жаҳон тиббиётининг илғор ютуқлари ва илм-фан янгиликларини кенг оммалаштириш, юртимизнинг олис ҳудудларида яшаётган аҳолига кўрсатилаётган ихтисослаштирилган тиббий ёрдами янада такомиллаштиришдан иборат.

Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази 2014 йилги инвестиция дастури доирасида тубдан реконструкция қилиниб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Марказнинг ўн та бўлимида йилга қарийб сақкиз минг бемор болага тиббий ёрдам кўрсатилади.

Акция доирасида ташкил этилган давра суҳбатига болалар жарроҳлиги, педиатрия ва неонатологиянинг долзарб масалаларига оид маърузалар тингланди. Пойтахтимиздан келган олимлар ва шифокорлар иштирокида чуқурлаштирилган тиббий кўриқлар ташкил этилди. Болаларга интенсив тиббий ёрдам кўрсатишда янги тиббий технологиялардан фойдаланиш самардорлигини ошириш юзасидан маҳорат сабоқлари ташкил этилди.

Етакчи мутахассислар маҳаллий шифокорлар билан ҳамкорликда болаларда уч-райдиган туғма ва ортиррилган жигар, қон-томир, буйрак



хасталикларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг замонавий усуллари бўйича кўргазмалли операциялар ўтказди.

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази мутахассиси, тиббиёт фанлари номзоди Акмал Раҳматуллаев амалга оширган кўргазмалли операциялардан бири – болаларда буйрак ва сийдик йўлларида учрайдиган касалликларини мининвазив усулда, яъни танани кесмасдан кичик тешик орқали бартараф этишга бағишланди. Бундай операцияни амалга ошириш учун муайян шароит ва замонавий тиббий технологиялар талаб этилади. Тошкент

вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида бу борада барча имкониятлар мавжудлиги операцияни муваффақиятли амалга оширишни таъминлади. Бир hafta давом этадиган тиббий-ижтимоий турли йўналишлари бўйича ўнга яқин бемор болага шундай усулда оператив тиббий ёрдам кўрсатиш режалаштирилган.

Марказимизда болаларга тиббиётнинг барча йўналиш бўйича жаҳон андозалари даражасида тиббий маслаҳат, диагностика ва даволаш ёрдами кўрсатиш имконияти яратилган, — дейди Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори

вазифасини бажарувчи Лола Сайдалиева. — Шифокорларимиз болаларда учрайдиган туғма ва ортиррилган касалликларини даволашда жаҳон тиббиётининг илғор услубларидан самарали фойдаланмоқда. Етакчи олимлар ва мутахассислар иштирокида ташкил этилаётган тиббий-ижтимоий акциялар тиббиётимиз эришаётган ютуқларнинг кенг оммалаштириш, аҳоли, айниқса, болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш ва инсон саломатлигини асрашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

ЎЗБЕКISTON OVOZI

■ **Ҳукуматимизнинг Қарши шаҳрини янада ободонлаштириш борасидаги Дастури изчил амалга оширилмоқда. Натижада янги-янги иншоотлар бирин-кетин ишга тушяпти.**

Янги иншоотлар фойдаланишга топширилди

Мамлакатимиз Президенти Қаршни янада кўркам, замонавий шаҳарга айлантириш режасини баён этар экан, суғориш тармоқларини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор қаратган эди. Чунки, шаҳар аҳолисини мунтазам ва сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, хиббон, боғларни суғориш тизимига янги муносабатда бўлишни талаб қилади.

Янги йил арафасида бу ишларнинг катта бир қисми амалга ошди. Йўлдош, Янгибўғ насос станциялари ва «Айрум-1» каналлида қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилди. Чунки, Қарши бош каналидан сув олувчи Йўлдош насос станциясининг айрим ускуналари эскириб, тўла қувват билан ишлаш олмаётган эди. Натижада сув сатҳи пасайганда 8 та маҳаллага умуман сув этиб бормасди. Режага кўра, станцияга янги агрегат ўрнатилди, эски ускуналар алмаштирилди. Натижада 8 та маҳалла ва 7 та кичик туманга оқар сув узатиш тизими ва таъминоти яхшиланди. Бу ишларга 1 миллиард 400 миллион сўм маблағ сарфланди.

Шунингдек, Янгибўғ насос станцияси ва «Айрум-1» каналлини таъмирлаш иш-

рига қарийб 2 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Бу ишлар натижасида шаҳар маркази, Алишер Навоий номи маданият ва истироҳат боғи, Араловул, Хонтепа ва Мағзон маҳаллаларини сув билан таъминлаш тубдан яхшиланди.

— Мен илгари бир неча йил «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлимига раҳбарлик қилганман, — дейди ЎзХДП Қарши шаҳар кенгаши раиси, шаҳар кенгаши депутати Рашид Муртозаев. — Шу тўғрисида суғориш борасидаги айрим қийинчиликлардан хабардорман. Юқорида тилга олинган ишлардан ташқари Қарши шаҳрида Чапқироқ канал таъмирланди ва яна 2 та насос станцияси қурилмоқда. Бу Кат ва Қавли маҳаллаларини сув билан таъминлашни янада яхшилади.

Янги йил байрами арафасида Қашқадарё вилоятида 19 та ирригация мелиорация иншоотларида қурилиш ишлари нихосига етказилди. Улар учун 29 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Бу иншоотлар ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сувдан тежамли фойдаланиш имконини беради.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Ҳушёр ва огоҳ бўлайлик

■ **Ўзбекистон Республикаси Фавқулдада вазиятлар вазирлиги томонидан аҳоли орасида ис газидан, овқатдан оммавий захарланиш ва қутуриш касалликларининг олдини олиш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.**



Унда таъкидландики, исгази рангсиз, ҳидсиз захарли бирикма бўлиб, табиий газ, ёқилги, кўмир, ўтин чўғлари тўлиқ ёнмаслиги оқибатида юзага келади. — Исгази билан захарланган организмда угреод ва оқсил алмашинуви бузилади. Натижада кон таркиби мувозанати ҳамда марказий асаб тизими фаолияти издан чиқади.

Табиий газнинг хонада тўпланиши оқибатида портловчи газ-ҳаво аралашмаси ҳосил бўлади ҳамда унинг портлаши натижасида инсон турли даражада тан жароҳатлари олиши ёки ҳалок бўлиши мумкин.

Токсик захарланиш ҳолатларининг келиб чиқишининг асосий сабаб ва омиллари таҳлил қилинганда, улар табиий газ босимининг ўзгариши, ностандарт иситиш ускуналари ва газ сўриш насосларидан фойдаланишдан иборат эканлиги аниқланди.

Таҳлилларга кўра, токсик захарланиш ҳолатларининг аксарияти табиий газ билан боғлиқдир. Куз-қиш мавсумида табиий газга нисбатан аҳоли эҳтиёжининг ортиши ва истеъмолчилар томонидан қўшимча газ сўриш насосларининг ўрнатилиши, айрим ҳолатларда газ тақсимлаш ускуналарининг қуввати аҳоли эҳтиёжига

мас келмаслиги ёки носозлиги бунга сабаб бўлмоқда. Ностандарт «кўлбола» усулда ясалган ёки четда ишлаб чиқарилган ва сифат сертификатига эга бўлмаган иситиш ускуналаридан фойдалана ҳам салбий оқибатларга сабаб бўлмоқда.

Аҳоли орасида табиий ва ис газларидан захарланиш билан боғлиқ фавқулдада вазиятларнинг олдини олиш мақсадида фавқулдада вазиятлар ҳудудий бошқармалари бошчилигида ҳар йили тегишли хизматлар ва идораларни жалб қилган ҳолда комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ижроси таъминланмоқда. Жумладан, 2013-2014 йиллар мавсум давомида жойларда идоралараро ишчи гуруҳлар томонидан рейдлар уюштирилиб, жами 23241 объект текшириб чиқилди.

Матбуот анжуманида овқатдан захарланишнинг олдини олиш масаласи ҳам қизилган муҳокама қилинди. Бу касаллик — одамларнинг оммавий, гуруҳли ва алоҳида қуришида юзага келади. Овқатдан захарланишлар қутилмаганда юзага келиши ва қисқа давомийлиги билан характерланади.

Овқатдан захарланишнинг энг оғир шакли ботулизм бўлиб, унинг кўзгатувчиси табиий табиий газ билан боғлиқдир. Куз-қиш мавсумида табиий газга нисбатан аҳоли эҳтиёжининг ортиши ва истеъмолчилар томонидан қўшимча газ сўриш насосларининг ўрнатилиши, айрим ҳолатларда газ тақсимлаш ускуналарининг қуввати аҳоли эҳтиёжига

марта кучли токсин (захар) ишлаб чиқаради.

Ботулизм оғир кечиси ва ўлим кўрсаткичлари юқорилиги сабабли унга қарши жиддий чоралар қўриш талаб этилади. Бу касалликнинг мураккаб томони шундаки, уни грипп сингари эмлаб ёки динтерия сингари антибиотиклар билан даволаб бўлмайди.

Қутуриш касаллиги ҳам инсониятнинг жиддий ташвишга солаётган муаммолардан бири. Қутуриш касаллиги вирус бурилар, чиябурилар, тулқиларда доимий мавжуд бўлиб, итлар улардан юктирилади. Ўз навбатида итлар вирусни одамларга ёки бошқа ўй ҳайвонларига юктириши мумкин. Шу сабабли итларни боғлиқ ҳолда сақлаш ва ўз вақтида эмлатиш муҳим аҳамиятга эга.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда ҳам бу касалликнинг давоси топилиши йўқ. Шунинг учун итлар ёки бошқа ҳайвонлардан жабранганлар, албатта, кечиктирмасдан қутуришга қарши эмланишлари зарур. Бунинг учун ҳар бир туман тиббиёт бирлашмаларининг марказий поликлиникалари ва шошилич тиббий ёрдам бўлимларида ёрдам кўрсатувчи пунктлар фаолият олиб бормоқда.

Юқоридаги касалликларга қарши курашиш нафақат тиббиёт ва бошқа тегишли ташкилотларнинг иши, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СПОРТ

МЕҲР ВА ЭЪТИБОР САМАРАСИ

Ўтган йил биз паралимпиячилар учун ҳам чинакам ғалабалар йили бўлди. Жумладан, октябрь ойида Инчон (Жанубий Корея)да ўтказилган ёзги ПараОсие ўйинларида қатнашган Ватанимизнинг 27 нафар спортчиси 22 олтин, 5 кумуш, 4 бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида қирқ бир давлат орасида кучли бешликдан жой олди. Ана шу мусобақада мен энгил атлетика бўйича битта олтин ва иккита кумуш медалга сазовор бўлиб, терма жамоамиз муваффақиятига ҳисса қўшганимдан бахтиёрман.

Яқинда пойтахтимизда Ёшлар маданият ва санъат маркази ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, шунингдек, қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган «Эътироф – 2014» миллий мукофоти совриндорларини тақдирлаш маросими ўтказилди. Тантанана менга «Йилнинг энг матонатли спортчиси» номинацияси бўйича бош мукофот топширилганида қанчалик ҳаяжонланганимни сўз билан ифодалаб бера олмаيمан.

Мамлакатимизда ўз қобилиятини намойиш этишга интилаётган ёшлар доимий қўллаб-қувватланаётгани бизга руҳий мадад бағишлайди. Ана шу ғамўорлик тубайли ҳаётда, жамиятда ўз ўрнинини топаётган, ҳеч кимдан кам эмасли-



гимизни ҳис қилиб яшаётимиз. Спорт майдонларида эришган барча ғалабаларим аввало ана шу беқиёс меҳр ва эътибор самараси, деб биламан..

Янги йилда ниятларим янада катта. 2016 йил Рио-де-Жанейро (Бразилия)да бўладиган ёзги Паралимпия ўйинларига жиддий тайёргарлик кўраяман. Бу нуфузли спорт ўйинларида совриндорлар сафидан ўрин олишга аҳд қилганман.

Янги 2015 йилда барчага бахт, омад тилайман.

Миран САХАТОВ,
енгил атлетика бўйича
ПараОсие ўйинлари ғолиби,
Осие чемпиони.

ОБ-ҲАВО 6-7.1 — 2015

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

0 / +5 +5 / +10

Бухоро ва Навоий вилоятлари

0 / +5 +8 / +13

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари

0 / +5 +8 / +13

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари

+3 / +8 +10 / +15

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари

0 / +5 +5 / +10

Тошкент шаҳри

+2 / +4 +11 / +13

Дунё бўйлаб (°C)

Лондон +11 / +11

Париж +7 / +8

Москва -17 / -15

Мадрид +12 / +12

Пекин +6 / +5

Канберра +29 / +31

Рим +13 / +14

Афина +6 / +6

Токио +16 / +8

Стокгольм +3 / +2

Кейптаун +26 / +31

Қоҳира +14 / +12

Гавна +27 / +23

Вашингтон +4 / -2

MUASSIS:
XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	MUHIDDIN	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxon — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 159
20158
nuxxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 21.35
Topshirilgan vaqti — 01.30

Sotuvda keltirilgan narxda

Navbatchi:
Toshtemir XUDOYQULOV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5 6